

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Бахранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Санобар Базарбаевна Шадманова,
тарих фанлари доктори, профессор
Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР)

For citation: Sanobar B. Shadmanova, CLASSIFICATION AND TYPOLOGY OF UZBEKISTAN CITIES (1917-1941). Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.13-19

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон шаҳарларининг 1917-1941 йиллардаги классификацияси ва типологиясига оид тарихий маълумотлар, шаҳарларнинг аҳоли сонига қараб кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларга бўлинганлиги, 1918-1920 йиллардаги маъмурий ўзгаришларнинг республика шаҳарлари сонига кўрсатган таъсири, шаҳарлар аҳолисининг миллий таркиби каби масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, шаҳарлар сонига динамика ва унга таъсир кўрсатган омиллар ҳақидаги масалалар кенг қамровли илмий адабиётлар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Туркистон, Ўзбекистон, ХХСР, БХСР, вилоят, шаҳар, туман, марказ, маъмурий ҳудуд, чегараланиш, аҳоли, миллий таркиб.

Санобар Базарбаевна Шадманова,

доктор исторических наук, профессор
Ташкентский Государственный Университет Востоковедения

КЛАССИФИКАЦИЯ И ТИПОЛОГИЯ ГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА (1917-1941гг.)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются исторические сведения о классификации и типологии городов Узбекистана в 1917-1941 годах, делении городов на малые, средние, большие и крупные по численности населения, вопросы влияния административных изменений 1918-1920 годах на количество городов, национальный состав населения городов. Также, на основе обширной научной литературы освещаются вопросы о динамике количества городов и факторы, влияющие на нее.

Ключевые слова: Туркестан, Узбекистан, СССР, область, город, район, центр, административная территория, разграничение, население, национальный состав.

Sanobar B. Shadmanova,
Doctor of Historical Sciences, Professor
Tashkent State University of Oriental Studies

CLASSIFICATION AND TYPOLOGY OF UZBEKISTAN CITIES (1917-1941)

ABSTRACT

The article presents historical information on the classification and typology of cities in Uzbekistan in 1917-1941, the division of cities into small, medium, large and large in terms of population, the impact of administrative changes in 1918-1920 on the number of cities, the ethnic composition of the population of cities, in the administrative and economic zoning of Soviet power. Also, on the basis of an extensive scientific literature, issues about the dynamics of the number of cities and the factors influencing it are highlighted.

Index Terms: Turkestan, Uzbekistan, USSR, USSR, region, city, district, center, administrative territory, demarcation, population, ethnic composition.

1.Долзарблги:

Маълумки, Туркистон генерал-губернаторлиги дастлаб икки вилоятдан – Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан ташкил топган. Кейинги йилларда Россия империясининг Бухоро ва Хива хонликларга уюштирган ҳарбий тажовузи натижасида босиб олинган ҳудудлар анча кенгайди. 1868 йилда маркази Самарқанд шаҳри бўлган Зарафшон округи ташкил этилди. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилди. Туркистон генерал-губернаторлиги 1886 йилдан бошлаб 5 та вилоятга – Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув ва Каспийорти вилоятларига, вилоятлар эса уездларга бўлинди. Шу тариқа минтақада Россия империяси босиб олган ҳудудларда ўзбек давлатчилиги ва анъанавий маъмурий бошқарув тизимига барҳам берилди[1]. Мавзунинг ўрганилиши советлар томонидан 1918 йилда ТАССР ташкил этилиши, 1924 йилда маъмурий ҳудудий чегараланиш ҳамда 1926-1927 йилларда районлаштириш сиёсати амалга оширилиши натижасида республика маъмурий тузилишида бўлган ўзгаришларнинг ўрганилишида долзарб аҳамият касб этади.

2.Методлар:

Мақолада тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойилларига асосланган ҳолда тарихий тадқиқот усулларида қиёсий ва ретроспектив таҳлил ҳамда муаммовий-даврлаштириш усулларида кенг фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

1917 йилда ўлкада совет ҳокимиятининг зўравонлик билан ўрнатилишидан ва советларнинг шовинистик сиёсатидан норози бўлган маҳаллий аҳоли Туркистон мухториятини эълон қилди, лекин совет ҳокимияти уни тан олмасдан, уларга қарши аёвсиз кураш олиб борди.

1918 йил апрелида Туркистон АССР ташкил этилди[2], маъмурий жиҳатдан Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув, Каспийорти, кейинчалик Амударё (Туркман) вилоятларига бўлинган. 1920 йил августида ТССРнинг Еттисув вилояти, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми янги ташкил қилинган Қозоғистон АССР таркибига киритилган. Ушбу маъмурий ўзгаришлар натижасида республика шаҳарлари сонида ўзгаришлар юз берди.

1925 йил бошларида маъмурий ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил этилиб, у маъмурий жиҳатдан 7 та вилоятдан иборат эди. Хусусан, Самарқанд вилоятининг маркази Самарқанд шаҳри, Тошкент вилоятининг маркази Тошкент, Фарғона вилоятининг маркази Қўқон, Зарафшон вилоятининг маркази Бухоро, Қашқадарё вилоятининг маркази Бехбудий (Қарши), Сурхондарё вилоятининг маркази Шеробод, Хоразм вилоятининг маркази Хива шаҳри бўлган[3].

Ўзбекистон ССР ҳудудига Туркистон АССР, XXСР ва БХСРдан киритилган шаҳарлар [4]:

Республикалар	Шаҳарлар
Туркистон АССР:	
Самарқанд вилояти	Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон, Ургут
Сирдарё вилояти	Тошкент, Мирзачўл
Фарғона вилояти	Андижон, Наманган, Чуст, Фарғона, Марғилон, Қўқон
БХСР	Бухоро, Когон (“янги” Бухоро), Вобкент, Гиждувон, Қоракўл, Бойсун, Бехбудий, Ғузор, Кармана, Хатирчи, Нурота, Шаҳрисабз, Шеробод, Термез, Юрчи, Сариосиё
ХХСР	Хива, Урганч, Гурлан

БХСРнинг Бухоро, Бехбудий, Шерободдан ташқари барча вилоят шаҳарлари уезд шаҳарларига айлантирилди. Ўзбекистон республикасида жами 23 та уезд, 227 та волост ва туманлар ташкил этилди [5].

1926-1927 йилларда республикада районлаштириш сиёсати ўтказилиши натижасида янги маъмурий-худудий тузилиш амалга оширилиб, вилоятлар ўрнига 10 та округ, яъни Тошкент, Самарқанд, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хўжанд округлари ташкил этилди. Районлаштиришда майда миллатларни битта округга жамлаш, ирригация тизими, қишлоқ хўжалиги йўналиши, савдо муносабатлари аосий мезон сифатида олинди. Мазкур округларда округ марказларидан ташқари район марказлари бўлган 22 та шаҳар ҳамда 4 та шаҳар “поселение”лари ҳам мавжуд эди.

Округларда шаҳарларнинг умумий сони, округ ва уезд марказлари ҳамда шаҳар аҳолиси[6]:

	Округлар номи	Шаҳар аҳолиси фоиз хисобида	Шаҳарлар сони				шулардан	
			Округ марказлари	Район марказлари	Бошқа шаҳарлар	жами	Собиқ вилоят марказлари	Собиқ уезд марказлари
1.	Тошкент	50,6%	1	2	1	4	1	1
2.	Хўжанд	32,4%	1	1	2	4	-	1
3.	Самарқанд	25,1%	1	2	-	3	1	1
4.	Фарғона	23,6%	1	3	-	4	1	1
5.	Андижон	23,0%	1	3	1	5	-	2
6.	Бухоро	15,6%	1	2	-	3		1
7.	Зарафшон	12,4%	1	2	-	3	-	3
8.	Қашқадарё	11,4%	1	2	-	3	1	2
9.	Хоразм	9,3%	1	3	-	4	1	2
10.	Сурхондарё	8,1%	1	2	-	3	1	1
	жами		10	22	4	36	7	15

Шаҳар аҳолисининг сони бўйича Тошкент округи биринчи ўринда турганлиги Ўрта Осиёдаги энг йирик шаҳар – Тошкент шаҳри ушбу округда жойлашганлиги билан боғлиқ эди. Бундан ташқари, Хўжанд, Самарқанд, Фарғона ва Андижон округлари турган ва уларда республиканинг йирик шаҳарлари жойлашган. Бухоро ва Зарафшон округларида шаҳар аҳолиси анча кам бўлган. Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё округлари шаҳар аҳолисининг

сони бўйича республикада охирги ўринларда эди. Шаҳарларнинг округ бўйича тақсимланишида катта фарқ йўқ эди, уларда шаҳарлар сони 3 тадан 5 тагача бўлган[7].

1930-йилларда Ўзбекистоннинг маъмурий тузилиши ўзгариб турди. 1930 йил 23 июлда СССР Марказий Ижроий комитети ва Халқ комиссарлари совети “Округларни тугатиш ҳақида” қонун қабул қилди. 1930 йил охирларида Ўзбекистонда ҳам округлар тугатилиб, 8 қишлоқ райони атрофдаги аҳолиси 50.000 нафардан ошқ бўлган йирик шаҳарларга (Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона, Марғилон, Самарқанд, Когон, Бухоро) қўшиб юборилди, районларнинг чегаралари аниқланди ҳамда мазкур шаҳарлар советлари Ўзбекистон МИК президиумига бевосита бўйсундирилди. Республикадаги 10 та округ, 80 та район, 1751 та қишлоқ советлари ўрнига мустақил маъмурий-хўжалик бирликлари қилиб ажратилган 9 та шаҳар совети, 73 та район, 1696 та қишлоқ советлари тузилди[8]. 1938 йилда республика Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРдан иборат бўлди[9]. 1940 йил январиди Фарғона ва Бухоро областлари кенгайтирилди. 1941 йил мартда Ўзбекистонда Андижон, Наманган ва Сурхондарё областлари ташкил этилди. Мазкур маъмурий ўзгаришлар натижасида вилоят марказлари бўлган шаҳарлар сони ҳамда вилоятлар бўйича шаҳарлар тақсимланиши ҳам ўзгариб турди.

Шаҳарлар аҳоли сонига қараб кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларга бўлинган. XX асрнинг 20-30 йилларида 50 минг нафар аҳолиси бор шаҳарлар йирик шаҳарлар ҳисобланган, Ўзбекистонда 1926 йилда бундай шаҳарлар сони 5 тани ташкил этган.

Аҳолиси 50.000 нафардан ошқ бўлган шаҳарларда 1926 ва 1937 йилларда аҳоли сони динамикаси [10]:

Шаҳарлар номи	1926 йилда аҳоли сони	1937 йилда аҳоли сони	1937 йилда 1926 йилга фоиз ҳисобида
Тошкент	316.077	545.024	172,4
Самарқанд	101.961	127.040	124,6
Қўқон	68.524	79.128	115,5
Андижон	72.565	76.945	106,0
Наманган	72.958	72.257	99,0

1939 йилга келиб республикадаги энг йирик шаҳар – пойтахт Тошкентнинг аҳолиси 550 минг нафарга етди [11].

1926 ва 1939 йилларда аҳолининг сони бўйича шаҳарлар ва шаҳарчалар [12]:

Аҳоли сони	Шаҳарлар сони		Уларда аҳолининг сони	
	1926 йил	1939 йил	1926 йил	1939 йил
Барча шаҳарлар	46	47	1.012.679	1.469.847
Шулардан аҳолининг сони бўйича:				
3.000 нафардан кам	6	7	9.242	9.390
3.000-5.000	11	5	39.252	17.864
5.000-10.000	10	9	61.971	66.875
10.000-20.000	11	16	145.649	225.398
20.000-50.000	3	4	111.317	129.881
50.000-100.000	2	1	428.819	136.283
500.000 ва ундан ошқ	-	1	-	584.955

1926 йилда 40% шаҳар аҳолиси кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларда яшаган[13].

1926 ва 1939 йилларда шаҳарлар ва шаҳарчалар сони[13]:

	1926 йил	1939 йил
Шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси	27 (916.289)	25 (1.348.796)
Шаҳарчалар ва уларнинг аҳолиси	19 (96.390)	22 (121.051)

Аҳоли пунктларига шаҳар мақоми берилиши учун аҳоли сонидан ташқари уларнинг бажарадиган функцияси - саноат ишлаб чиқариши, ташкилий-хўжалик, маданий-сиёсий, маъмурий функциялар бош мезон бўлиб хизмат қилган. Кичик шаҳарларга киритилган шаҳарлар аксарият ҳолларда битта функцияни бажарган, шунингдек, уларнинг шаҳар хўжалиги етарли ривожланмаган.

Шунингдек, бу йилларда шаҳар аҳолисининг миллий таркибига кўра ҳам типологияларга бўлинган. Хусусан, 1929 йил 2 февралда ЎзССР совети марказий ижроия комитети томонидан эълон қилинган шаҳарлар рўйхатида [15] шаҳарлар аҳолисининг миллий таркибига кўра “эски” ва “янги” шаҳарларга ажратилган. Бу рўйхатда Ургенч, Хива, Чуст, Эски Бухоро, Ургут, Бехбудий, Қўқон, Шаҳрисабз, Марғилон шаҳарлари, Ёғдудон, Кармана, Асака, Китоб шаҳарлари “эски” шаҳарлар сифатида эътироф этилган. Россия империяси босқинидан кейин вужудга келган ва аксарият “европаликлар” жойлаштирилган “янги” Бухоро (Когон), Фарғона шаҳарлари, Мирзачўл шаҳар типидagi посёлкаси, Қовунчи, Урсатьевская, Чимён ишчи посёлкалари тўлиқ “янги” шаҳарлар сифатида қайд этилган. XIX аср охирида “эски” ва “янги” шаҳарларга бўлинган Самарқанд, Тошкент, Андижон, Наманган, Каттақурғон, Термиз, Жиззах шаҳарлари эса 1930-йиллар охириларигача шу қиёфасини сақлаган.

“Эски” ва “янги” шаҳарлар ўзининг қиёфаси, аҳолисининг ёш таркиби, машғулотли билан бир-биридан фарқ қилган. 1920-йилларда расмий ҳокимият вакиллари ҳам республиканинг “эски” шаҳарлари ривожланиши бўйича “янги” шаҳарлардан анча орқада қолганлигини ва улар аянчли аҳволда эканлигини қайд этишган. СССР марказий ижроия комитети тўртинчи сессиясида Ф.Хўжаев (1928 йил 3 декабрь) “эски” шаҳарларнинг бир ярим миллион аҳолиси жуда катта зичликда, антисанитар ҳолатда ва уй-жой ноқулайлиги шароитида яшаётганлигини, шаҳарларнинг ташқи қиёфаси ўзгармаганлигини таъкидлайди [16].

Маъмурий-иқтисодий районлаштиришда совет ҳокимияти “пролетар” марказларига таянганлиги сабабли шаҳарларнинг ҳокимият маъмурий-сиёсий ва иқтисодий маркази сифатидаги роли ошиб борди. Аммо, бу жараён жойларда маъмурий-ҳуқуқий хатоликларга олиб келди, яъни маҳаллий ҳокимият органлари кишлоқ “посёлкалари”ни шаҳарларга айлантиришни тезлаштириб юборди.

Бу жиҳатдан ўтказилган ислохотлар, яъни вилоят - округ – районнинг ташкил этилиши, шаҳарлар иерархиясининг ўзгариши натижасида инфратузилмаси кучлироқ бўлган шаҳарларнинг аҳамияти ошиб борди.

Шаҳарлар маъмурий тизимдаги ўрнига кўра, пойтахт шаҳар, вилоят ва туман марказларига бўлинади. 1918-1930 йилларда республикада пойтахт шаҳарлар ҳам ўзгариб турди. Хусусан, Туркистон АССР ташкил этилиши билан Тошкент расмий равишда пойтахт деб эълон қилинди. Бу ерда партия ва совет аппарати, ҳарбий ва жамоат ташкилотлари марказлари жамланган эди. Таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳудудий чегараланишдан ва ЎзССР ташкил этилгандан сўнг 1930 йилгача қадимий Самарқанд пойтахт бўлган эди. 1925-1930 йилларда Тошкент республика пойтахти бўлмасида, у аввалгидек саноат, маданият ва илмий марказ вазифасини бажаришни давом эттирди. 1929 йилда Тошкентнинг “янги” ва “эски” шаҳар советлари ишчи, деҳқон ва қизил армиячи депутатларнинг ягона шаҳар советига бирлаштирилди. Шу билан биргаликда районларда янги маъмурий бўлиниш киритилди. Шу даврдан бошлаб, Тошкентнинг бутун ҳудуди 4 та районга, яъни Ленин, Октябрь, Пролетар (1935 йилда Куйбишев деб ўзгартирилди) ва Сталин районларига бўлинди. 1930-йилларда Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлганидан сўнг ва бу ерда уй-

жой ҳамда саноат корхоналари қурилиши ривожлангандан сўнг районларни бошқариш мураккаблашди ва 1936 йил сентябрида Киров ва Фрунзе районлари ташкил этилди. 1939 йилда Тошкентни реконструкция қилиш лойиҳаси тасдиқланди, унда шаҳарнинг “эски” ва “янги” қисмини бирлаштириш кўзда тутилган эди.

1930-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда илк саноат шаҳарларига асос солина бошлади. Жумладан, Чирчиқ электрохимия комбинати ва гидростанция ходимлари учун “социалистик” шаҳар қурилди. Дастлаб шаҳар 5000 нафар кишига мўлжалланган бўлса, 1934 йилда қурилиш бошланиши билан Чирчиқда 17.000 нафар киши яшай бошлади[17]. 1935 йилда Троицк посёлкаси, Ниёзбек қалъаси ҳамда Оққовок, Қипчоқ, Қирғизкулоқ қишлоқлари негизида Чирчиқ саноат шаҳри вужудга келди[18]. Шундай қилиб, совет ҳокимияти хом ашё базасини кенгайтириш мақсадида режалар равишда қазилма бойликларига яқин жойда янги саноат шаҳарлари бунёд этилди. Бу ҳолат бутун собиқ иттифоқ районларида рўй берди.

4. Хулосалар:

Шундай қилиб, 1918 йилда ТАССР ташкил этилиши, 1924 йилда маъмурий ҳудудий чегараланиш ҳамда 1926-1927 йилларда районлаштириш сиёсати амалга оширилиши натижасида республика маъмурий тузилишида айрим ўзгаришлар содир бўлди. Бу эса шаҳарларнинг вилоятлар ёки округлар ичидаги тақсимотига ўз таъсирини кўрсатди. Бундан ташқари, 1920-1930 йилларда ҳам XIX охириларида шаҳарларнинг “эски” ва “янги” қисмларга ажратилиши сақланиб қолди.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент, 2013. – Б.13-14. (Ziayeva D. Cities of Uzbekistan in the second half of the 19th - early 20th centuries. - Tashkent, 2013. - pp. 13-14.)
2. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 115. (Turkestan at the beginning of the XX century: to the history of the origins of national independence. - Tashkent: Shark, 2000. - P. 115.)
3. Икрамов А. За один год (К годовщине завершения работ по национальному размежеванию). Краткие сведения об Узбекской республике / Икрамов А. Избранные труды. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 1972. – С. 468. (Ikramov A. For one year (On the anniversary of the completion of work on the national demarcation). Brief information about the Uzbek Republic / A. Ikramov. Selected Works. Volume I. - Tashkent: Uzbekistan, 1972. - P. 468.)
4. Жадвал муаллиф томонидан тузилган. Қ.: Территория, границы и административное деление Узбекской ССР и Таджикской АССР // Бюллетень ЦСУ Узбекистана. – 1925. - №1. – С. 4-6. (The table is compiled by the author. Q.: Territory, borders and administrative division of the Uzbek SSR and the Tajik ASSR // Bulletin of the Central Statistical Office of Uzbekistan. - 1925. - No. 1. - P. 4-6.)
5. Территория, границы и административное деление Узбекской ССР и Таджикской АССР // Бюллетень ЦСУ Узбекистана. – 1925. - №1. – С. 12. (Territory, borders and administrative division of the Uzbek SSR and the Tajik ASSR // Bulletin of the Central Statistical Office of Uzbekistan. - 1925. - No. 1. - P. 12.)
6. Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 года в Узбекской ССР. Выпуск 1. Поселенные итоги. – Ташкент: Издание ЦСУ УзССР, 1927. – С. XII-XIV. (6. Materials of the All-Union Population Census of 1926 in the Uzbek SSR. Issue 1. Settled totals. - Tashkent: Publication of the Central Statistical Administration of the UzSSR, 1927. - P. XII-XIV.)
7. Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 года в Узбекской ССР. Выпуск 1. Поселенные итоги. – Ташкент: Издание ЦСУ УзССР, 1927. – С. XII-XIV. (Materials of the All-Union Population Census of 1926 in the Uzbek SSR. Issue 1. Settled totals. -

- Tashkent: Publication of the Central Statistical Administration of the UzSSR, 1927. - P. XII-XIV.)
8. Два года социалистического строительства в Узбекистане. Отчет правительства УзССР IV съезду советов Узбекистана. – Ташкент, 1931. – С. 149; Ўзбекистон ССР тарихи. III том. [Бош мухаррир И.М.Мўминов]. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 560. (8. Two years of socialist construction in Uzbekistan. Report of the Uzbek SSR government to the IV Congress of Soviets of Uzbekistan. - Tashkent, 1931. -- P. 149; History of the Uzbek SSR. Volume III. [Editor-in-Chief IM Muminov]. - Tashkent: Fan, 1971. - P. 560..)
 9. КПСС и советское правительство об Узбекистане. Сборник документов (1925-1970). – Ташкент: Узбекистан, 1972. – С.44. (The CPSU and the Soviet government about Uzbekistan. Collection of documents (1925-1970). - Tashkent: Uzbekistan, 1972. - p. 44.)
 10. Всесоюзная перепись населения 1937 года: общие итоги. Сборник документов и материалов. – М.: РОССПЭН, 2007. – С.66; Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1964. – С.15. (All-Union population census of 1937: general results. Collection of documents and materials. - М.: ROSSPEN, 2007. - P.66; Soviet Uzbekistan for 40 years. Statistical collection. - Tashkent: Uzbekistan, 1964. -- p. 15.)
 11. Мулладжанов И.Р. Народонаселение Узбекской ССР (социально-экономический очерк). – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С.194. (Mullajanov I.R. Population of the Uzbek SSR (socio-economic essay). - Tashkent: Uzbekistan, 1967. -- p. 194.)
 12. Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. – Москва: Госиздат, 1962. – С.16. (Results of the 1959 All-Union Population Census. Uzbek SSR. - Moscow: Gosizdat, 1962. -- p. 16.)
 13. Мулладжанов И. Народонаселение Узбекской ССР. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С.196. (Mullajanov I. Population of the Uzbek SSR. - Tashkent: Uzbekistan, 1967. - p. 196.)
 14. Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. – Москва: Госиздат, 1962. – С.16. (Results of the 1959 All-Union Population Census. Uzbek SSR. - Moscow: Gosizdat, 1962. - p. 16.)
 15. 1929 йил рўйхатга олиш жараёнида шаҳар “поселение”ларига киритилган, аслида эса кишлок жойлари бўлган 15 аҳоли пунктлари рўйхатга олиш натижаларига киритилмаган. Мазкур пунктлар қуйидагилар: Гурлан, Ханқа (Хоразм округи), Нурота, Пайшамба, Хатирчи (Зарафшон), Пскент (Тошкент), Бешариқ, Кува, Риштон (Фарғона), Шахрихон (Андижон), Шеробод, Бойсун (Сурхондарё), Ғузор ва Косон (Қашқадарё).
 16. Народное хозяйство Узбекистана. Итоги и перспективы / Ходжаев Ф. Избранные труды. Том II. – Ташкент: Фан, 1972. – С.257. (The national economy of Uzbekistan. Results and Prospects / F. Khodzhaev Selected Works. Volume II. - Tashkent: Fan, 1972. -- p. 257.)
 17. Зухритдинов Ш. Из истории возникновения социалистического города Чирчика / Труды государственного среднеазиатского университета им. В.И.Ленина. 1958. Вып.142. С. 139-151. (Zukhritdinov Sh. From the history of the emergence of the socialist city of Chirchik / Proceedings of the State Central Asian University. V.I. Lenin. 1958. Issue 142.-P. 139-151.)
 18. История новых городов Узбекистана. Ташкентская область [Отв.редактор Г.Р.Рашидов]. – Ташкент: Фан, 1976. – С.45. (History of new cities of Uzbekistan. Tashkent region [Editor-in-chief G.R. Rashidov]. - Tashkent: Fan, 1976. - p. 45.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000